



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 21.11.2022 г. № 9

между Хива Нодирабегим сервис оилавий корхонаси и Янгиарик туман МТБ (Марказлашган) на общую сумму 220752073,00

Глава _____ 251
Казначейский лицевой счёт _____ 100022860332337091100251018

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4232200			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь	220 752 073,00			220 752 073,00
Декабрь				
Всего за год	220 752 073,00			220 752 073,00

Всего 220752073,00 сум

Двести двадцать миллионов семьсот пятьдесят две тысячи семьдесят три сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 66225621,90 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в ноябрь мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



(Handwritten signature)
(подпись)

Д.Болтаев
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(Handwritten signature)
(подпись)

Д.Болтаев
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _____

(подпись)

Получил работник заказчика _____

(подпись)

« _____ » _____ 20 _____ г.

« _____ » _____ 20 _____ г.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Янгириак шаҳарчаси

"21 июль" 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Янгириқ туман мактабгача таълим бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар Д.Болтаев бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "Хива Подирабегим Сервис" Ойлавий Корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи Р.Ёқубов иккинчи томондан, Хоразм вилояти Янгириқ туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 9-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1.1 Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади;

- **ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;
- **қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;
- **вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай тиндаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
- **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- **шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Хоразм вилояти Янгириқ туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 9-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича кўзда тутилган лойиха бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчиға муқаммал таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **220 752 073** (Икки юз йигирма миллион етти юз эллик икки минг етмиш уч) сўми ташкил этади. КҚС – **28 793 748** сўм **65** тийинни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узиш-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

3.3 Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4 Тегинчи асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- Буюртмачининг субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
- қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган қундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегинчи қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатилш;
- қурилиш майдони кўриқлигинини таъминлаш;
- қурилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тўғрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюртмачига тақдим қилади.

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2 Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк тамонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

4.3 Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларини (исполнительная документация) тўлиқ ҳажмда тақдим қилади.

4.4 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

5.2 Буюртмачи мазкур шартномала кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

6.1 Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

6.2 Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.

6.3 Объектни 2022 йил « 22 » ноябрдан жорий таъмирлаш ишлари бошланиб 2022 йил « 11 » декабрга фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

7.1 Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.

7.2 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % (фоизи) миқдоридан аванс ўтказлади, бу 66 225 621,9 (Олтинчи олти миллион икки юз йигирма беш минг олти юз йигирма бир сўм, 90 тийинни ташкил этади).

7.3 Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар уч банка кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.

7.4 Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган холда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

7.5 Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи танкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

7.6 Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охириг қунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактура» уни тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

7.7 Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос бўлади.

7.8 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

8.1 Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2 Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишини ҳуқуқига эгадир.

8.3 Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4 Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5 Пудратчи Буюртмачининг маижаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четта чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.6 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўнайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қилинган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қилинган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишининг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.7 Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиб кетиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эгитирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмасе, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бағараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КҮЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.

9.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2 Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, _____ у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

9.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР.

10.1 Пудратчи:

- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
 - лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
 - ўзи томонидан қурилиш учун қуланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
 - ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
 - объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.
- Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШИ.

11.1 Буюртмачи:

- шартнома кунга қиргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
 - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
 - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.2 Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
 - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилди. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

11.4 Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборди.

11.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

11.7 Шартнома шартларига ўзгартириш киритиш, шунингдек, шартномани бекор қилиш конун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Шартнома шартларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади, улар албатта, инобатга олиншини зарур.

11.8 Шартномани бир тарафлама рад этиш, унинг шартларига ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди, амалдаги конун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, шунингдек, конун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКҲИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

12.1 «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ўртасида ўзаро шартнома имзолангандан сўнг жорий таъмирлаш ишларини бажарадиган бино ёки ишшоат қурилиш участкасини буюртмачидан далолатномага асосан қабул қилиб олади. Қурилиш майдони ёки участкаларда техник хавфсизлик қондаларига келишилган ишларни бажариш вақтида атроф муҳитнинг тозаллиги муҳофазаси ённини олдини олиш зарурий тадбирларни ишлаб чиқади ва бунга амал қилади. «Пудратчи» мазкур шартномадаги барча ишларни ўз кучлари билан бажарилиши ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ жавобгар. «Пудратчи» мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади. «Пудратчи» объектни фойдаланишга топширигунга қадар мазкур шартнома бўйича объектка мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектни тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади. «Пудратчи» ўзининг томонидан қурилишда қуланиладиган қурилиш материаллари асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга Давлат стандартларига, техник стандартларига ҳамда бўлишини кафолатлайди. Агар «Пудратчи» келишилган ишларни белгиланган муддатларда тугата олмаса ишлар сифатсиз ҳолда бўлган деб топилади «Пудратчи» уларни тугатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарни «Буюртмачи»га тўлайди. «Пудратчи» бу шартномада кўрсатилган қурилиш таъмирлаш ишларини қабул қилиш комиссиясига лойиҳа ҳужжатлари асосида ишнинг сифатли бажарган ҳолда топширади.

12.2 жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун ажратилган бино, ишшоат, қурилиш участкасини далолатномаси билан «Пудратчи»га топширади.

Қурилиш ишларини бажарилиши устидан «Буюртмачи» вакиллари қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган, «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиб боради. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлайди. Молиялаштириш жадвалига биноан аванс маблағи беради. Белгиланган ишларни якунланган деб топилиб комиссия орқали қабул қилинганда молиялаштиришни амалга оширади. «Буюртмачи» қурилиш майдонида ўз вакилини техник аудитори таъинлайди у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек «Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқ текширади.

12.3 Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириб олишга, ишлар ва хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда

кайтиришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар етказиб берганлик учун жарима пудратчидан акцентсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг сифати, ассортименти ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

12.4 «Пудратчи» ишларни бажариш графигида кўрсатилган муддатларда қурилиш ишларини тугатмаган тақдирда «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

12.5 «Буюртмачи» шартноманинг 2-қисмида кўрсатилган муддатларда бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаган тақдирда «Пудратчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

12.6 Шартномада бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳўжалик шартномаларни бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун "Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 25-32 моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

13.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қелишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

14.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз қучини йўқотади.

14.2 Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3 Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

14.4 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахлалашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.5 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.6 Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги қелишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартириш нар қиртилса қайта кўриб чиқилади.

14.7 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

14.8 Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб қучга қиради ва барча қўзда тутилган шартнома шартлари тўлашига бажарилганга қадар амал қилади.

14.9 Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхала тузилди.

14.10 Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабрда амал қилади.

XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

15.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши қураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тadbик этилишини ифода қилади ва қафола қилади.

15.2. "Пудратчи" "Буюртмачи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафола қилади ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), "Буюртмачи" манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Пудратчи" нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

«ПУДРАТЧИ»

“Хива Нодирабегим Сервис” Оилавий Корхонаси
Адрес: Хива тумани Шихлар МФЙ Матякуб харрот куча 5-уй

Тел./факс _____
ШХ/р: 20208000604975639001 _____
ИНН: 302293924 _____
МФО: 00580 _____
Банк: Ипотекабанк Тинчлик ф


Р.Ёкубов
(Ф.И.Ш)


«БУЮРТМАЧИ»

Янгиерик туман мактабгача таълим бўлими
Адрес: __ Янгиерик тумани Остона кишлоғи Чакир МФЙ __

Тел./факс _____
Х/р: 100022860332337091100251018 _____
ИНН: 305155024 _____
МФО: 00014 _____

Банк: __ Марказий банк Тошкент шаҳар __
Молия Вазирлиги ягона газна ҳисоб вақоғи
Х/р: 23402000300100001010 МФО: 00 014
ИНН: 201 122 919


Д.Болтаев
(Ф.И.Ш)



Хоразм вилояти Янгиарик туман мактабгача таълим бўлимига қаршли 9-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш
ГРАФИГИ.

№	Объектнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Сўм	I - чорак			II - чорак			III - чорак			IV - чорак		
					Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
1	Хоразм вилояти Янгиарик туман мактабгача таълим бўлимига қаршли 9-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш	Объект	1	220 752 073											220 752 073	
X	Жами:	X	1	220 752 073	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	220 752 073	0

«БЎЎОРТМАЧИ»


«ЎУДРАТЧИ»


**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

MD0658806306

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Xo'jalik munosabatlari**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "YANGIARIQ TUMAN MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI" MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASASI tomonidan 21.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Yangiariq tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



Y.S.XO'JAMURATOVA

21.11.2022

